ОКТЯБРЬ — ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ!

БУТУН КУЧ ВА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ТЕРИМГА САФАРБАР ҚИЛИНСИН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 188 (7078). 3 октябрь, 1979 йил ЧОРШАНБА Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1979 йил сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

—**Қашқадарё областида** (область партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғойибов, область ижроия комитетининг раиси Б. Элбоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Т. Т. Жабборов, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи С. М. Муродов, Сельхозтехника область бирлашмасининг раиси Н. И. Милларов, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи М. Рўзиев, область комсомол комитетининг секретари А. Аҳмедов). Бу область пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 33,65 процент шу жумладан машина терими планини 12,5 процент бажарган ва ўн кунликда ўрта толали пахта навларини тайёрлашни 22,15 процент кўпайтиришни таъминлаган;

— Қашқадарё областининг **Ғузор районида** (район партия комитетининг секретари Б. Д. Муродов, район ижроия комитетининг раиси Г. М. Сайдалиев, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ю. Пўлатов, райсельхозхозтехника бошқарувчиси М. И. Дейлис, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи И. Ражабов, район комсомол комитетининг секретари Р. Холманова). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 45,46 процент, шу жумладан машина терими планини 11,69 процент бажарган, ўн кунликда пахта тайёрлашни 23,33 процент кўпайтиришни таъминлаган;

(Давоми 2-бетда).

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ

Областимиз далаларида пахта йиғим-терими куи сайин қизғин тус олмоқда. Чевар теримчилар бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ «оқ олтин» дурдоналарини йиғиб-териб олмоқдалар, олтин хирмонимизнинг баракасига барака қўшмоқдалар. «Зангори кема»ларнинг марду майдон жиловкорлари поёнсиз далаларда катта жангга киришиб кетдилар. Кунига 120—150 килограммдан ортиқ пахта тераётган, терим агрегатларидан унумли фойдаланиб, бункерлардан 10—12 тонна «оқ олтин» тўкаётган азаматларга эл-юрт қойил қолмоқда.

Октябрь ойи бошланди. Бу ой пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи зарбдор ой. Районлар, колхоз ва совхозлар йиғим-терим ишларини қисқа муддатларда ўтказиш, план ва социалистик мажбуриятларни тезроқ бажариш юзасидан амалий тадбирлар белгилаб, ғанимат кунлардан тўла фойдаланиш учун барча чора ва тадбирларни кўрмоқдалар. Шу кеча-кундузда ҳамма ерда умумий сафарбарлик эълон қилинган. Бутун куч ва техника воситалари йиғим-терим суръатини оширишга қаратилган. Партия ташкилотларининг оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишлари теримчи ва механик-ҳайдовчиларни янги зафарларга чорлашга, улар эришаётган ютуқларни оммалаштиришга қаратилган.

Янгийўл, Чиноз, Бекобод, Бўка, Пискент, Оққўрғон районларининг пахтакорлари кунига йиллик планнинг бир процентидан кўпроқ миқдорда пахта тайёрламоқдалар. Бу районларнинг колхоз ва совхозлари бугун-эрта суръатни янада ошириб, икки-уч процент ва ундан ҳам ошиқ миқдорда «оқ олтин» теришга бел боғладилар. Афсуски, Ғалаба, Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ районларида терим суръатини юксалтириш юзасидан қилинаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Бу районларда йиллик планнинг 0,30—0,70 процента атрофида пахта топширилмоқда. Терим суръатини ошириш юзасидан оператив чораларнинг кўрилмаслиги, ишга яроқли кишилар ва мавжуд машиналардан тўла фойдаланилмаётганлиги натижасида областимиз пахта тайёрлашда республикада сўнгги ўринларда келмоқда. Область партия комитетининг бўлиб ўтган бюро йиғилиши районлар, шаҳарлар, бошланғич ташкилотлар, колхоз ва совхоз раҳбарлари диққат-эътиборини қолоқликнинг олдини олишга, амалий ва оператив чоралар кўриб, йиғим-терим суръатини тезда кучайтириш, кунлик ўсишни олти-етти процентга кутаришга қаратди.

Ғалаба районининг пахтакорлари юксак ташаббус билан майдонга чиқдилар. Уларнинг бу ташаббуси Марказий Комитет ва область партия комитети томонидан маъқулланди. Ғалабаликлар 15 октябргача планни бажаришга қарор қилдилар. Бу маррага ўн беш куни қолди. Лекин ҳозирги суръат ҳаммани ташвишга солмоқда. Йиллик план ҳали икки процент миқдорида ҳам бажарилган эмас. Коммунистнинг, партия ташкилоти ва хўжалик раҳбарининг сўзи билан иши бир бўлиши ва ҳар қандай шаронтда ҳам бунга амал қилиши керак. Улар ўз олдиларида бундай юксак масъулият турганини ҳали ҳам тўла ҳис этаётганларича йўқ. Маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, область партия комитети томонидан берилган топшириқ етарли бажарилмаяпти. Теримчилар далага тўла сафарбар қилинмаган. Машиналарнинг иш уқуми паст. Ғалаба райони партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари бу аҳволдан тегишли хулоса чиқариб олишлари, ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, терим суръатини ошириш учун зудлик билан чора ва тадбирлар кўришлари лозим.

Айрим районларнинг раҳбарлари ҳали ҳам ҳосил пишиб етилмай, кўсаклар очилмаётганини баҳона қилмоқдалар. Улар ғаниматли кунлардан, об-ҳавонинг қулай вазиятидан оқилона фойдаланиш ўрнига ҳар хил сабабларни рўкач қилиб кўрсатмоқдалар. Ойнинг иккинчи ярмида ёғингарчиликлар бўлиши мумкин. Ғарчи, шундай экан, бутун маҳоратимизни, ташкилотчилик ишларимизни, сабот ва матонатимизни ишга солиб, пахтазорда жасорат кўрсатайлик. Ҳар бир меҳнаткашнинг қалб ҳарорати, жўшқин ғайрати унинг «оқ олтин» фронтидаги амалий иши билан, улкан хирмонга қўшаётган ҳиссаси билан белгиланади.

Пахта йиғим-теримида зарбдор кунлар бошланди. Оталиқ ташкилотлари ўзларининг амалий ишлари билан ёрдам беришлари, шаҳарлик механиклар пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун яқиндан кўмаклашишлари, пахтакор меҳнатининг унумли бўлиши учун ҳамма нарсани уюштириб беришлари керак. Дала шийпонлари деҳқонларнинг иккинчи уйи, дам олиб, ҳордиқ чиқариб унумли ишлашлари учун барча нарсалар муҳайё бўлган намунавий жойга айланиши керак. Партия ташкилотлари пропагандистлар, агитатор ва сиёсий ахборотчиларнинг талант ва маҳоратини, таъсирчан ва сафарбар этувчи фазилатларини дала шийпонларида кўрсатсинлар. Деворий газеталар, жанговар варақалар, турли хил варақалар, фотолавҳалар, шиор ва плакатларда илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг тажрибалари кенг оммалаштирилсин. Теримчиларга ва механизаторларга маданий-маиший, оммавий-сиёсий хизмат кўрсатишни намунали ташкил этайлик. Пахтакор ҳеч нарсага муҳтож бўлмаслиги керак. Болалар боғчалари ва яслилари намунали ишласин. Маданий-маиший муассасалар, санъат ходимлари, савдо, кинноконцертлар бевосита дала шийпонларида олиб борилиши керак.

Пахта учун кураш — ҳаммамизнинг жонажон, шарафли, ватанпарварлик бурчимиздир. Бундан бирон одам ҳам четда қолмаслиги лозим. Район партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари йиғим-терим суръатини кучайтириш юзасидан барча имкониятларни ишга солишлари керак. Қўшимча кучларни далага сафарбар қилиб, терим агрегатларининг унумли ишлашини таъминлаш — ғоят муҳим вазифадир. Афсуски, айрим жойларда бунга амал қилинмаётир. Олдимизда турган вазифа ва талаблар қанчалик юксак ва масъулиятли эканлигини ҳис этмаётган, ўзига ва бошқаларга талабчан бўлмаётган раҳбар ходимлар ҳам бор. Бунинг оқибатида баъзи хўжаликларда терим суръати ҳеч кўтарилмаяпти, унумдорлик етарли эмас, юзлаб кишилар пахта теримига жалб қилинмаган.

Бу йилги аҳвол ва шароит қандай эканлигини ҳар бир партия, совет, хўжалик ходими, барча коммунистлар, пахтакор ва механизаторлар тўла ҳис этишлари, янада юксак уюшқоқлик, сабот ва матонат билан меҳнат қилишлари лозим. Ғанимат кунларни қўлдан бой бермай, бутун куч, маҳорат ва талантимизни пахта йиғим-терими суръатини оширишга қаратайлик. Она-Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. Бу мажбурият улкан, катта куч ва ғайрат билан ишлашни талаб этишини унутмаслигимиз керак.

Улуғ байрамлар арафасида турибмиз. Октябрь революциясининг шонли тантаналаридан сўнг йилнимизга якун ясалади. 1980 йилда улуғ доҳиймиз В. И. Ленининг туғилганига 110 йил тўлади. Бу байрамларни коммунистик қурилишда янги зафарлар билан кутиб олайлик. Она-Ватанга кўпроқ «оқ олтин», чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етказиб берайлик.

Пахтазор чорлайди. Ҳаммамизнинг ўрнимиз пахта фронтида бўлсин!

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МАШИНАЛАР СУРЪАТ ҚАНОТИ

1 октябрь куни область пахта далаларида 857 терим агрегати ишлади. Ҳар бир пахта териш машинаси билан ўрта ҳисобда 2,8 тонкадан ҳосил йиғиштириб олинди.

Бўка районидаги 251 та «зангори кема» далага чиқди. Бу ҳозирча энг юқори кўрсаткичдир. Ғалаба районида эса ишлаб турган «пўлат от»лар сони 220 тага етказилди.

Ўрта Чирчиқ райони механик-ҳайдовчилари энг юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар. Бу районда ҳар бир машина бункеридан ўрта ҳисобда 4,8 тоннадан «оқ олтин» тўкилди.

БРИГАДА ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Мичурин номли колхозининг Э. Қосимбеков етакчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари Бўка районида биринчилар қатори пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик планини бажардилар. Мавжуд 40 гектар майдонининг ҳар гектаридан 24 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олинди. Бригада пахтакорлари мавсум охиригача ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

ПЕШҚАДАМЛАР

«Кўкорол» совхози далаларида машина терими жадал суръатлар билан бормоқда. Мавжуд 43 агрегатнинг ҳаммаси юқори унум билан ишлаб турибди. Бир кунда улар бункеридан 215 тонна «оқ олтин» тўкилди. Механизаторлар ўртасидаги мусобақада 3-бўлимдан Жўра Ҳалилов, 6-бўлимдан Қобил Исақуловлар пешқадамлик қилишаяпти. Улар кунига ўз агрегатлари бункеридан 8—10 тоннадан пахта тўкишмоқда.

КУНИГА 5—6 ТОННАДАН

Ўрта Чирчиқ райони хўжаликларида машина терими ўюшқоқлик билан давом этаётир. Ким Пен Хва номли колхоздан Бўрибой Шорахмедов, Куйбишев номли колхоздан Хожимурод Низомов, Сафар Имомбоев каби механик-ҳайдовчилар кунига 5—6 тоннадан пахта териб, ҳамкасбларга намуна бўлишяпти. Райондаги Терешкова номли, Куйбишев номли колхозларда, ТИНИМСХ ўқув хўжалигида ҳам машина терими жадал суръатлар билан бормоқда.

„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 2 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида)

Янгийўл	1,46	14,85	0,38	0,71
Чиноз	1,60	14,61	0,37	0,66
Бўка	2,20	14,41	1,79	5,66
Бекобод	1,70	13,46	0,62	2,64
Пискент	2,01	13,32	1,54	3,28
Оққўрғон	1,35	11,98	0,32	1,37
Ўрта Чирчиқ	1,40	7,88	0,69	1,58
Ғалаба	0,85	3,87	0,66	1,24
Коммунистик	0,35	3,71	—	—
Область бўйича:	1,49	11,03	0,78	2,20

ҚУРУВЧИ ВА МОНТАЖЧИЛАРГА— ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

ОБЛАСТЬ партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети Олмалиқ химия заводи иккинчи навбати реконструкциясини жадаллаштиришда 1979 йил август ойи социалистик мусобақасида **Узбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш министрлиги «Средазтепломонтаж» трестининг «Монтажхимзашита» участкасига қарашли Олмалиқдаги хўжалик ҳисобида ишловчи коллективини** (участка бошлиғи ўртоқ Камолиддинов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Давидчук, қурилиш касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Великанов) ғолиб деб топди. Улар планни 105 процент ва ишлаб чиқариш ҳажмини 106,8 процент бажардилар.

Бу коллективга Узбекистон КП Тошкент область комитети, халқ депутатлари Совети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи билан 500 сўм пул мукофоти топширилди.

Олмалиқ химия заводи иккинчи навбати реконструкциясида қатнашаётган **Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Алмаликсвинецстрой» трестининг 5-қурилиш бошқармаси** (бошлиғи ўртоқ Шапков, партия комитетининг секретари ўртоқ Морголина, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Филимошина) коллективининг яхши ишлаганлиги таъкидланди. Улар планни 102,6 процент ва ишлаб чиқариш ҳажмини 103,6 процент бажардилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети 1979 йил август ойи якунлари бўйича Охангарон цемент комбинатида НТС—цемент ишлаб чиқариш тажриба-саноат линияси объектлари қурилишида **УзССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Узэлектромонтаж» трестининг Олмалиқдаги монтаж бошқармаси** (бошлиғи ўртоқ Дятлов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Файзиев, қурилиш касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Седлецкий, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Нужин) коллективининг яхши ишлаганлиги қайд қилинди. Улар планни 118,2 процент ва ишлаб чиқариш ҳажмини 111,9 процент бажардилар.

ЁШЛАР ЗАРБДОР ФРОНТГА

Залга Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг бир группа студентлари йиғилишган. Улар қалб даъвати билан зарбдор фронтга отланган азамат комсомол-ёшлар. Бўлажак агрономларнинг қайси бири билан суҳбатда бўлманг, пахта ҳақида, уни тез ва сифатли териб олиш тўғрисида жон қуйдириб гапиради. Ҳосилни ёғингарчиликка қолмай териб олинса, хирмонга барака кириши, сифати юқори навларда бўлиши бунинг учун йиғим-теримни қандай ташкил этиш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритишади. Уларнинг ҳар бири умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшиш учун билими, ғайрати ва кучини сарфлашга тайёр.

— Ленин комсомоли қаерда иш оғир бўлса, шу ерга отилган, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ўқитувчиси, механизаторлар отрядининг штаб бошлиғи П. И. Пахомов,—комсомолларимизнинг бободеҳқон етказган дурдонани тез ва соз йиғиб олишда актив қатнашиш, «зангори кема» штурвалини бошқариш ҳақидаги ташаббусни институтимиз маъмурияти ва партия ташкилоти маъқуллади. Отряд аъзоларининг ҳаммаси меҳнатда чиниққан, «зангори кема» штурвалини кўп марта бошқарган азаматлардир. Ўйлаймизки, институтимиз ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланадиган йилда улар зарбдор меҳнатлари билан шонли китобимизга зафар сатрларини битадилар.

Область комсомол комитетида бўлиб ўтган йиғилишни кириш сўзи билан очган область комсомол комитетининг секретари М. Маҳмудов ташаббускорларга муваффақият тилади. Бир қатор олий ўқув юртларининг студентлари ҳам сафга қўшилиш истагини билдираётганликларини мамнуният билан айтди.

— Ҳозир ҳар бир механизаторнинг ўрни далада, — дейди отряд командири Зоиржон Умаров. — Ўтган йили институтимиз ёш «зангори кема» капитанлари пўлат этаклардан 5 минг тонна пахта тўккан эдилар. Бу йил отрядимиздаги ҳар бир студент камида 120—130 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб беришга аҳд қилди. Бу дёмак, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилидаги катта хирмонга қўшган ҳиссамиз 8 минг тоннадан ортиқни ташкил этади. Менинг ўзим 200 тонна пахта териб беришга ваъда бераман.

Институтнинг 4- курс студенти Шуҳрат Очилов уч йилдан бери йиғим-терим мавсумида «зангори кема»да пахта теради. Ўтган йили 130 тонна пахта терганди. Бу йилги марраси 150 тонна. Шуҳратнинг ҳамкурсларидан 10 нафари бу йил у билан бирга зарбдор фронтда боришга аҳд қилди.

Йиғилганлар Ўлманой Ҳаққулованинг сўзларини қизиқиш билан тингладилар. У мактабда ўқиб юрганидаёқ «зангори кема»ни бошқаришни ўрганган эди. Институтгача уч йил механизаторлик қилди. Мана энди студентлик чоғида ҳам уч йилдан бери ҳар йили кузда ўз ўрнини пахта даласида деб билади. У ҳам 150 тонна пахта теришга ваъда берди ва Шуҳрат Очиловни мусобақага чақирди.

Ёш механизаторлар ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили «оқ олтин» хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшажакларини қатъий билдиришди.

70 нафардан иборат студент-механизаторлар отряди шу куни Ғалаба районидаги Киров номли ўқув хўжалигининг пахта далаларига йўл олдилар.

Суратда: зарбдор фронтга отланган бир группа оташқалб ёшлар жўнаш олдидан.

А. Абалян фотоси.

СОВЕТ—ГРЕЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 1 октябрь куни Кремлда Греция Республикасининг Бош министри К. Караманлис ва Греция ташқи ишлар министри Г. Раллис билан музокараларни бошладилар.

Совет — Греция муносабатларига доир масалалар юзасидан батафсил фикрлашиб олинди. Кейинги йилларда Совет Иттифоқи билан Греция ўртасида ҳар тарафлама ҳамкорлик анча ривожланганлиги, ҳар иккала мамлакатнинг давлат арбоблари ва ташкилотлари ўртасида алоқалар ва муносабатлар мустаҳкамланганлиги, ҳукуматлараро бир қанча муҳим шартномалар тузилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу тенденция совет ва грек халқлари ўртасидаги дўстлик анъаналарига мувофиқ бўлиб, Европада сиёсий иқлимнинг умуман яхшиланганлигини акс эттиради.

Ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ва савдо-сотиқни янада кенгайтириш йўлидаги мавжуд имкониятлар қараб чиқилди ҳамда ҳар икки томоннинг идоралари тегишли таклифлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқадилар, деб аҳдлашиб олинди.

Муҳим халқаро проблемаларни кўриб чиқиш вақтида халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш, Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига асосий эътибор берилди.

Шу мақсадларга эришиш йўлидаги амалий тадбирлар тўғрисида келишиб олишнинг муҳимлиги, шунингдек тинчлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда барча давлатларнинг мақбул тарзда иштирок этиши муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

(ТАСС).

БОШ ШТАБ ҲАРАКАТДА

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Абдумалик Аҳмедов папкаларга тартиб билан тахлаб қўйилган қоғозларнинг биринчи олиб стол устига қўйди.

— Йиғим-терим даврида пахта штаби амалга оширадиган тадбирлар, — деди у.

Тадбирларнинг биринчи бандини ўқиймиз: «Терим олдидан колхоз ва совхоз партия ташкилотлари секретарларининг семинар кенгаши ўтказилсин».

— Семинар кенгашда терим давридаги вазифалар тўғрисида район партия комитетининг иккинчи секретари Ш. Қ. Гатаулин доклад қилди, — изоҳ беради А. Аҳмедов. — Сўнг секретарлар сўзга чиқиб терим олдидан кўрилаётган тайёргарликлар ҳақида гапирдилар. «Ленинобод» колхози партия комитетининг секретари Акрам Маҳмудов, «Ленинизм» колхози партия комитетининг секретари Ўлмас Музаффаров, «Озод» колхози партия комитетининг секретари Абдулла Маъдиев йиғим-терими идеологик жиҳатдан таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида ҳисоб бердилар. Йиғилиш жонли ўтди. Секретарлар ўзаро тажриба алмашишди.

Тадбирларнинг иккинчи бандини ўқиймиз. «Теримчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшилансин».

— Ўша кунги семинар кенгашда теримчиларга хизмат кўрсатувчи «Агитпоезд» тузилганлиги маълум қилинди, — деди район партия комитетининг секретари Саодат Жалиловна Йўлдошева. — «Агитпоезд» составида «Билим» жамияти лекторлари, медицина, савдо, маиший хизмат ходимлари, санъаткорлар бор эди. «Агитпоезд» ҳозир график бўйича хўжаликларнинг дала шийпонларида тушки дам олиш соатларида теримчиларга маданий хизмат кўрсатмоқда.

20 сентябрь эрта билан «Агитпоезд» состави кўриклан ўтказилди. 9 та машинанинг ҳаммаси шиор ва плакатлар билан безатилди. Теримчилар учун зарур бўлган ноз-неъматлар, кундалик рўзғор буюмлари машиналарга жойланди. Сартарошлар, фотографлар, кийим-бош ремонти усталари жой-жойларини эгаллашди. Шундан сўнг ташкилий равишда Куйбишев номли колхоз томон йўл олинди. Биринчи бекат Пардабой Бурхонов бошлиқ бригаданинг дала шийпони бўлди.

«Агитпоезд» етиб келганида шийпон теримчилар билан гавжум эди. Тушлик давом этарди. Лекторларнинг қисқа ва мазмунли суҳбатларидан сўнг ўртага санъаткорлар тушишди. Улар ижро этган куй ва қўшиқлар қалбларга ором бахш этди. Сўнг савдо қилими ходимларининг йиғим-теримдаги иштироки ҳали суст. Улар тераётган пахта киши бошига аранг 30 килограммга тўғри келаяпти. «Молния»нинг бир қисмида қолоқлар боплаб танқид қилинган эди.

«Молния»нинг бир нусхаси район партия комитети бюроси ўтадиган залга осиб қўйилди. Бюрога келган кишилар уни ўқиб дарров район бўйича аҳволдан воқиф бўлишди. Ўша кунги мажлисда теримда сусткашлик кўрсатаётган идора раҳбарлари изза бўлди.

Бундан ташқари «Мўл ҳосил учун» район газетаси саҳифаларида ҳам кундалик йиғим-теримнинг бориши оператив ёритилмоқда. Ҳозир газета ҳар куни чиқаяпти. Район матбуот маркази илғор теримчилар ҳақида соат сайин маълумот бериб бормоқда. Ҳозир пахтазорларда жавлон ураётган кўп минг килограммчилар оз эмас. Султон Сегизбоев номли совхоз теримчиси Фарида Ягафарова эл хирмонига 2,5 тонна пахта тўкди. Дўгонаси Ойша Каримова, Қорасоч Самандаровалар ҳам ҳамон олға интилишмоқда. Улар терган пахта 2 тоннадан ошиб кетди. Чевар теримчилар ҳар куни хирмонга 200 230 килограммга етказиб «оқ олтин» тўкмоқдалар.

Ҳозир ҳамманинг ўрни пахтазорда. Дала шийпонлари пахтакорларнинг иккинчи уйига айланган. Район бўйича ҳозир 118 та дала шийпони ишлаб турибди. Ҳар 15 кунда шийпонларнинг санитария-гигиена ҳолати ва пахтакорлар учун яратилган шароит кўриклан ўтказиляпти. Сўнгги текширувда жюри аъзолари «Партия XXII съезди» колхозининг Иноможон Мусаев бошлиқ бригада дала шийпонини биринчи ўринга лойиқ топдилар. Ўша куниёқ кўрикда голиб чиққан дала шийпонига янги телевизор ҳадя этилди. Иккинчи ўринни олган «Ленинобод» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Таласбой Газатов бошлиқ бригада дала шийпонига эса радиола берилди. Ҳозир кўрик конкурс давом этяпти. Жюри аъзолари шийпонларни яна бир-бир кўздан кечириб чиқмоқдалар.

Оққўрғонлик пахтакорлар бу йил ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олиб, она-Ватанга 66 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этишга бел боғлаганлар. Эрта баҳордан қилинган меҳнат самараси бугун далаларда ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Ваъдага яраша ҳосил тўпланди. Энди ҳамма гап унинг бир мисқолини ҳам нобud қилмай йиғиб-териб олишда қолган.

Ж. НОСИРОВ,
Оққўрғон райони.

ПАХТАЗОР—ЗАРБДОР ФРОНТ

Ҳар иккала хўжалик раҳбарларининг илтимоси ҳам дарров қондирилди.

— Мана бу журналга бир назар ташланг, — деди А. Аҳмедов. — Илтимослар ва таклифлар шу ерда қайд этилган. Уларни биз кунмакун ёзиб бормоқдамиз. Дафтар четидаги графада эса илтимослар қандай бажарилаётганлиги кўрсатилган.

Бу тартиб яхши. Ҳеч кимнинг гапи ерда қолмайди. Ҳар бир кичик илтимос ҳам ҳисобга олиниб, уни бажариш тадбирлари кўрилмоқда. Штаб аъзоларининг ташаббуси билан кейинги кунларда йиғим-терим суръатининг боришини акс эттирувчи «Молния»лар чиқа бошлади. Ҳар икки куннинг бирида улар аҳоли гавжум жойларга осиб қўйиляпти.

«Молния»ларнинг бирига кўз ташлаймиз. Унда район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишчилари йиғим-теримда актив иштирок этишаётганлиги ёзилган эди. Комбинат ишчилари учун «Коммунизм» колхози пахтакорларининг бир қисми ажратиб берилган. Ишчилар бевосита дала шийпонида тунаб, йиғим-теримни олиб бормоқдалар. Иш унумдорлиги ёмон эмас. 100 килограммдан ошириб пахта тераётганлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Лекин район матлубот жамияти, район молия бўлими ходимларининг теримдаги иштироки ҳали суст. Улар тераётган пахта киши бошига аранг 30 килограммга тўғри келаяпти. «Молния»нинг бир қисмида қолоқлар боплаб танқид қилинган эди.

Ўша кунги семинар кенгашда теримчиларга хизмат кўрсатувчи «Агитпоезд» тузилганлиги маълум қилинди, — деди район партия комитетининг секретари Саодат Жалиловна Йўлдошева. — «Агитпоезд» составида «Билим» жамияти лекторлари, медицина, савдо, маиший хизмат ходимлари, санъаткорлар бор эди. «Агитпоезд» ҳозир график бўйича хўжаликларнинг дала шийпонларида тушки дам олиш соатларида теримчиларга маданий хизмат кўрсатмоқда.

20 сентябрь эрта билан «Агитпоезд» состави кўриклан ўтказилди. 9 та машинанинг ҳаммаси шиор ва плакатлар билан безатилди. Теримчилар учун зарур бўлган ноз-неъматлар, кундалик рўзғор буюмлари машиналарга жойланди. Сартарошлар, фотографлар, кийим-бош ремонти усталари жой-жойларини эгаллашди. Шундан сўнг ташкилий равишда Куйбишев номли колхоз томон йўл олинди. Биринчи бекат Пардабой Бурхонов бошлиқ бригаданинг дала шийпони бўлди.

«Агитпоезд» етиб келганида шийпон теримчилар билан гавжум эди. Тушлик давом этарди. Лекторларнинг қисқа ва мазмунли суҳбатларидан сўнг ўртага санъаткорлар тушишди. Улар ижро этган куй ва қўшиқлар қалбларга ором бахш этди. Сўнг савдо қилими ходимларининг йиғим-теримдаги иштироки ҳали суст. Улар тераётган пахта киши бошига аранг 30 килограммга тўғри келаяпти. «Молния»нинг бир қисмида қолоқлар боплаб танқид қилинган эди.

«Молния»нинг бир нусхаси район партия комитети бюроси ўтадиган залга осиб қўйилди. Бюрога келган кишилар уни ўқиб дарров район бўйича аҳволдан воқиф бўлишди. Ўша кунги мажлисда теримда сусткашлик кўрсатаётган идора раҳбарлари изза бўлди.

Бундан ташқари «Мўл ҳосил учун» район газетаси саҳифаларида ҳам кундалик йиғим-теримнинг бориши оператив ёритилмоқда. Ҳозир газета ҳар куни чиқаяпти. Район матбуот маркази илғор теримчилар ҳақида соат сайин маълумот бериб бормоқда. Ҳозир пахтазорларда жавлон ураётган кўп минг килограммчилар оз эмас. Султон Сегизбоев номли совхоз теримчиси Фарида Ягафарова эл хирмонига 2,5 тонна пахта тўкди. Дўгонаси Ойша Каримова, Қорасоч Самандаровалар ҳам ҳамон олға интилишмоқда. Улар терган пахта 2 тоннадан ошиб кетди. Чевар теримчилар ҳар куни хирмонга 200 230 килограммга етказиб «оқ олтин» тўкмоқдалар.

Ҳозир ҳамманинг ўрни пахтазорда. Дала шийпонлари пахтакорларнинг иккинчи уйига айланган. Район бўйича ҳозир 118 та дала шийпони ишлаб турибди. Ҳар 15 кунда шийпонларнинг санитария-гигиена ҳолати ва пахтакорлар учун яратилган шароит кўриклан ўтказиляпти. Сўнгги текширувда жюри аъзолари «Партия XXII съезди» колхозининг Иноможон Мусаев бошлиқ бригада дала шийпонини биринчи ўринга лойиқ топдилар. Ўша куниёқ кўрикда голиб чиққан дала шийпонига янги телевизор ҳадя этилди. Иккинчи ўринни олган «Ленинобод» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Таласбой Газатов бошлиқ бригада дала шийпонига эса радиола берилди. Ҳозир кўрик конкурс давом этяпти. Жюри аъзолари шийпонларни яна бир-бир кўздан кечириб чиқмоқдалар.

Оққўрғонлик пахтакорлар бу йил ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олиб, она-Ватанга 66 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этишга бел боғлаганлар. Эрта баҳордан қилинган меҳнат самараси бугун далаларда ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Ваъдага яраша ҳосил тўпланди. Энди ҳамма гап унинг бир мисқолини ҳам нобud қилмай йиғиб-териб олишда қолган.

Ж. НОСИРОВ,
Оққўрғон райони.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Боши биринчи бетда).

— Қашқадарё областининг **кўрик Баҳористон районида** (район партия комитетининг секретари Я. А. Илиади, район ижроия комитетининг раиси А. Т. Орзикулов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. Иззатов, райсельхозтехника бошқарувчиси С. Осмонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Б. Маҳмудов, район комсомол комитетининг секретари О. Ғуломов). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 64,21 процент, шу жумладан машина терими планини 60,68 процент бажарган, ўн кунликда пахта тайёрлашни 44,09 процент кўпайтиришни таъминлаган;

—Сурхондарё областининг **Термиз районида** (район партия комитетининг секретари К. Бозоров, район ижроия комитетининг раиси Ш. К. Назарова, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. Х. Камолов, райсельхозтехника бошқарувчиси Ю. Қаҳрамонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи К. Қорасоқолов, район комсомол комитетининг секретари Р. Эшбоев). Бу район пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш умумий ҳажмини 38,74 процент, шу жумладан машина терими планини 8,07 процент бажарган, ўн кунликда пахта тайёрлашни, 19,79 процент кўпайтиришни таъминлаган;

—Қашқадарё область, **Ғузор районидаги Гагарин номли колхозда** (колхоз правлениесининг раиси С. Равшанов, партия ташкилотининг секретари Д. Бозоров, комсомол ташкилотининг секретари Б. Садатов). Бу колхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 70,58 процент, шу жумладан машина терими планини 28,18 процент бажарган, ўн кунликда пахта тайёрлашни 35,08 процент кўпайтиришни таъминлаган;

—Сурхондарё область, **Термиз районидаги Жданов номли колхозда** (колхоз правлениесининг раиси К. Хилаев, партия ташкилотининг секретари С. Олтиев, комсомол ташкилотининг секретари И. Ҳоналиев). Бу колхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш умумий ҳажмини 52,18 процент, шу жумладан машина терими планини 22,79 процент бажарган, ўн кунликда пахта тайёрлашни 25,69 процент кўпайтиришни таъминлаган.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Сурхондарё областига (область партия комитетининг секретари А. К. Керимов, область ижроия комитетининг раиси Н. Туропов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. Э. Бердиев, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи Б. Б. Бозоров, сельхозтехника область бирлашмасининг раиси Х. Жабборов, область суғориш системалари бошқармаси бошлиғи вазифасини ижро этувчи А. Номозов, область комсомол комитетининг секретари Т. У. Таниқулова). Бу область пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 31,1 процент, шу жумладан машина терими планини 12,95 процент бажарган ва ўн кунликда пахтанинг ўрта толали навларини тайёрлашни 22,05 процент кўпайтирган. Байроқ Бухоро областидан олиб берилади;

—Бухоро областининг **Ромитан районига** (район партия комитетининг секретари А. Истамов, район ижроия комитетининг раиси И. Қаландаров, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи К. Т. Шарипов, райсельхозтехника бошқарувчиси Б. Комолов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Т. Қодиров, комсомол комитетининг секретари З. Қурбонова). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 42,39 процент, шу жумладан машина терими планини 3,98 процент бажарган, ўн кунликда пахта тайёрлашни 25,89 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Бухоро областининг Ғиждувон районидан олиб берилади;

—Сурхондарё область **Қумқўрғон районидаги «Узбекистон» совхозига** (совхоз директори М. Эшқобилов, партия ташкилотининг секретари А. Қурбонов, ишчилар комитетининг раиси М. Худойқулов, комсомол ташкилотининг секретари А. Тошмуродов). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 54,78 процент, шу жумладан машина терими планини 26,57 процент бажарган, ўн кунликда пахта тайёрлашни 35,5 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Бухоро областидан олиб берилади;

—Қашқадарё область, **Ғузор районидаги Киров номли совхозидан** олиб берилади;

— Қашқадарё область, **Нишон районидаги кўрик «Самарқанд» совхозига** (совхоз директори И. Ризаев, партия ташкилотининг секретари С. Тоҳиров, ишчилар комитетининг раиси С. Равшанов, комсомол ташкилотининг секретари Б. Тоғаев). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 108,06 процент, шу жумладан машина терими планини 121,05 процент бажарган, ўн кунликда пахта тайёрлашни 54,17 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ шу райондаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозидан олиб берилади;

—Сурхондарё область, **Гагарин районидаги А. Набиев номли совхозга** (совхоз директори А. Жумаев, партия ташкилотининг секретари Ю. Турдиев, ишчилар комитетининг раиси Л. Қодиров, комсомол ташкилотининг секретари М. Абдужамилова). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 42,15 процент, шу жумладан машина терими планини 44,55 процент бажарган, ўн кунликда пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлашни 35,08 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё область, Муборак районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозидан олиб берилади.

ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК МАДАДИ

ЎЗБЕКИСТОН—НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАГА

...Волгоград шаҳри ҳали олисда. Лекин йўловчилар вагонларнинг деразалари олдида қатор тизилишган. Улар афсонавий шаҳардаги улкан Она-Ватан монументини кўришга ошиқишади. Мамаев қўрғонининг баланд жойида ўрнатилган бу монумент шаҳарга етмасдан — олис-олисдан кўзга ташланади. Агар поезд Волгоградга кечаси кириб келса ҳам бари бир Она-Ватан кўзга яққол кўринади, чунки унинг атрофида сира қоронғулик бўлмайди. Она-Ватан боши узра тутган қилич ҳам ёнади ва бу қилич, совет тупроғи дахлсизлигига раҳна солишга тажовуз қиладиган ҳар қандай босқинчини огоҳлантираётгандек туюлади...

Ҳар куни бу ерга, Волга дарёси бўйига поездлар ва самолётларда, теплоходлар ва автомашиналарда минглаб, ўн минглаб кишилар зиёратга келадилар. Улар Улуғ Ватан уруши йилларида жасорат кўрсатган қаҳрамонлар руҳи қаршисида бош эгишга интиладилар. Афсонавий «Павлов уйи» деворида, бу ерда 58 кеча ва кундуз фашист билан юзма-юз олишиб, ғолиб чиққан совет жангчиларининг номлари мармарга ўйиб ёзилган. Улар орасида ўзбек жангчиси Камолжон Турғунов номини ҳам кўрамиз.

Ҳозир эса мана шу буюк рус дарёси соҳилида беҳоён Волга бўйи чўлларини ўзлаштиришга ҳужум бошланди. Совет халқининг фаровонлигини янада оширишга, турмуш маданиятини юксалтиришга бағишланган ҳужум. Бу ҳайрли ишларда волгоградликларга ўзбекистонлик қардошлар ёрдамга келишган. Тўғри, Волгоград областида амалга ошириладиган ишлар Ноқоратупроқдаги ишлардан бирмунча фарқ қилади. Ноқоратупроқда — ботқоқ ҳамда захкаш ерларни қуритиш ва чакалакзорларни тозалаш билан ер ўзлаштирилаётган бўлса, бу ерда — Поволжьеда асосан суғориш тармоқларини бунёд этиш ва Ноқоратупроқдагидек янги колхоз ва совхоз посёлкаларини қуриш ишлари бажариляпти. «Главволговодстрой» трестига Узбекистонда таниқли бўлган инженер-ирригатор Юрий Арсентьевич Хмелевский бошчилик қилмоқда. Бу ерда ўзбекистонлик мутахассислар Николай Иванович Ли ва Анатолий Иванович Разорёнов, Людмила Алексеевна Горбуновалар Волгограднинг таниқли кишилари бўлиб қолишди. Дастлабки ишларни Узбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли кўчма механизациялашган колонна коллективи бошлаган эди. Кейинроқ фарғоналик бир группа ирригаторлар ёрдамга келишди. Айни кунларда колонна бунёдкорлари саноат зонасини бунёд этиб, гидромелиорация ишларини олиб боришяпти. Фарғоналик қурувчилар эса турар-жой ҳамда маданий-маиший бинолар қурилишини оталиққа олишган.

Волга бўйи чўлларида янгиянги совхозлар вужудга келяпти, азим дарёнинг суви тобора чўл ичкарисига кириб бормоқда. Шу билан бирга бу ерларга янги ҳаёт кириб келяпти. Кўҳна ерларга янги ҳаёт бағишлашда дўстлик ва қардошлик қонуни билан ёрдамга отланган ўзбекистонликлар мадади беқиёс бўлмоқда.

Юрий КОВАЛЕВ.

Суратларда: Новгород областининг Парфино районида ўзлаштирилаётган ерда ер ости сувлари учун дренаж ётқизиляпти. Андижон область Советобод шаҳар маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик коллективи Ноқоратупроқни ўзлаштираётган ўзбекистонликлар ҳузурида.

Ю. Комарь фотолари.

ЭНГ МУҲИМ ТОПШИРИҚ

СИЁСИЙ МАОРИФ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

СОВЕТ халқи Коммунистик партия раҳбарлигида В. И. Ленин васиятларини, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширмоқда. Марксизм-ленинизм КПСС фаолияти, бутун революцион ўзгартувчилик, бунёдкорлик ишларининг мустаҳкам илмий негизидир.

Янги жамият қуриш йўлида олға қараб борганимиз сари революцион назария, партия сиёсати ва социал практиканинг ўзаро алоқалари ва фаол таъсири тобора ортиб бормоқда. Ўз-ўзидан равшанки, партия ва халқ революцион ўзгартирувчилик фаолиятининг миқёслари тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётганлиги, совет кишилари моддий ва маданий фаровонлиги ошаётганлиги, халқаро майдонда социализм фойдасига катта силжишлар содир бўлаётганлиги, дунё миқёсида буржуа ва ревизионистик идеология билан мафкуравий кураш янада активлашганлиги партия ташкилотларининг коммунистлар ва кенг меҳнаткашлар оммасини ғоявий-сиёсий тарбиялаш борасидаги ишларни тағин ҳам кучайтиришни тақозо этмоқда.

Меҳнаткашларни идеологик, ғоявий-сиёсий тарбиялашда, кадрларни марксча-ленинча назария билан қуроллантиришда партия ўқуви, комсомол сиёсий маорифи ҳамда меҳнаткашлар иқтисодий таълими системаси катта аҳамият касб этади.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, партия ташкилотлари, пропагандистлар тингловчилар сиёсий ва иқтисодий таълим жараёнида ўзлаштираётган билимлар улар дунёқарашининг таркибий қисми бўлиб қолишига, актив ҳаётий позицияни, иқтимоий бурчга онгли муносабатда бўлишни шакллантиришга асосий эътибор бермоқдалар. Ўтган ўқув йилида коммунистлар ва партиясиз активлар марксча-ленинча назарияни, КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг ҳужжатларини, СССРнинг ташқи сиёсати ва жаҳон миқёсида идеологик кураш масалаларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик Ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарларини ўргандилар.

Партия маорифи системасида ўтган ўқув йилида областимиз бўйича 267 минг коммунист ва партиясизлар, комсомол сиёсий маорифи тўгаракларида 100 минг йигит-қиз, иқтисодий таълим ва пропаганданинг бошқа формаларида 374 мингдан зиёд киши таълим олди. Тингловчиларнинг 90 процентдан зиёдроғи «Ривожланган социализм Конституцияси» ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг икки томлик асари бўйича «КПСС идеология ишининг актуал масалалари» курсларини ўргандилар.

Партия ташкилотлари иқтисодий таълим бўйича машғулотларни меҳнат унумдорлигини ошириш, саноат ва қурилиш илғорларининг, пахтачилик, чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқлари ажойиб усталарининг тажрибаси билан узвий алоқадор ҳолда ўрганиш сари йўналтирдилар. Ана шу мақсадда иқтисодий таълим системаси ва коммунистик меҳнат мактабларида 184 минг киши илғор тажриба, иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича курсларда ўқидилар. Бу эса коммунистлар ва барча тингловчиларга партия ички ва ташқи сиёсатини, мамлакатимиз социал-иқтисодий ривожланишининг истиқболларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам берди.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида кўрсатиб ўтилганидек, партия ва комсомол ўқувини, иқтисодий таълимни ташкил қилишда, пропаганданинг бошқа оммавий формаларида кўпгина жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Кўп жойларда коммунистлар ва комсомолларнинг, раҳбар кадрларнинг революцион назарияни чуқур ва изчил ўрганиш учун жавобгарлиги пасайтириб юборилган, расмиятчилик ва қироатхонликка барҳам берилган эмас, машғулотларнинг сифати тингловчиларнинг ўсган билим ва маданий савиясига ҳамиша ҳам мос бўлиб тушади, деб бўлмайди.

«Революцион назарияни, партия сиёсатини билиш,— деб таъкидлаб ўтилади КПСС Марказий Комитетининг қарорида, — совет кишиларининг эътиқодига, коммунизм учун ёт идеологиянинг ҳар қандай кўринишларига қарши матонатли курашчининг ҳаётдаги актив позициясига, ривожланган социализмнинг актуал проблемаларини ҳал этиш йўлидаги ҳаракат қўлланмасига айланиши лозим».

Янги ўқув йили ана шу муҳим вазифани амалга оширишга катта ҳисса қўшмоғи керак.

Партия, комсомол сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига ва КПСС нинг XXVI съездига тайёргарлик даврида ўтади. Шу муносабат билан коммунистлар, барча меҳнаткашлар ленинизмнинг бой хазинасидан баҳраманд бўлишлари, революцион назария, коммунистик идеалларга чексиз ишонч руҳида тарбияланишлари учун барча шарт-шароитларни таъминлаш лозим.

Янги ўқув йилида партия ва комсомол ўқуви, иқтисодий таълим ва оммавий пропаганданинг ҳамма формаларида машғулотлар «Ленинизм — давримизнинг революцион байроғи» деган темани ўрганишдан бошланади. Ўқув йили эса «Ленин иши ишамоқда ва ғалаба қозонмоқда» деган тема билан якунланади.

Партия маорифи системаси **бошланғич ва ўрта звено мактабларида** қуйидаги таълим курслари тавсия этилади: «В. И. Ленининг таржимаи ҳоли», «Ривожланган социализм Конституцияси, «КПСС ички ва ташқи сиёсатига доир масалалар», «Фалсафий билим асослари», «Сиёсий иқтисод», «КПСС тарихи», «Илмий коммунизм».

Назарий ва методологик семинарларда «К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин социалистик революция ва пролетар интернационализми ҳақида», «В. И. Ленин, КПСС социализм ва коммунизм қурилиши тўғрисида», «В. И. Ленин, КПСС социалистик демократия тўғрисида», «В. И. Ленин, КПСС коммунистин ахлоқ тўғрисида», «В. И. Ленин, КПСС адабиёт ва санъат тўғрисида» сингари проблемаларни ўрганилади.

Партия-хўжалик активининг семинар ва мактабларида «Ривожланган социализм: назария ва практика масалалари», «КПСС иқтисодий сиёсати», «КПСС аграр сиёсати», «Социалистик турмуш тарзи» курслари ўрганилади.

Иқтисодий таълим системасида «Социализм ва меҳнат», «Социалистик жамиятда инженер меҳнати, раҳбар меҳнати», «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш соҳасидаги илғор тажриба» курсларини ўрганиш давом эттирилади. Бу курсларни ўрганиб чиққан тингловчилар учун В. И. Ленининг «Буюк почин», «Мусобақани қандай уюштириш керак?» деган асарларини, шунингдек, «КПСС иқтисодий сиёсати» ҳамда «КПСС аграр назарияси ва сиёсати» курсларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

КПСС Маразий Комитетининг хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ва партия ҳамда давлат органларининг вазифалари тўғрисидаги қарорини, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигига ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорини кенг тушунтириб бериш ва ўрганишни таъминлаш — янги ўқув йилининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу қарорлар бутун мамлакат сиёсий ҳаёти учун, социалистик экономикани жадал ривожлантириш ва меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Шу муносабат билан иқтисодий таълим системасида партия ўқувининг иқтисодий семинарларида, партия-хўжалик активи мактабларида, марксизм-ленинизм университетларининг тегишли бўлимларида махсус машғулотлар ўтказилади. Қарордаги социал-иқтисодий муносабатлар, бошқаришни планлаштириш, тақсимот ва рағбатлантиришни такомиллаштиришга таллуқли бўлган масалалар, конкрет йўл-йўриқлар марксча-ленинча таълим системасидаги барча ўқув курсларининг мазмунига узвий равишда сингиб кетиши керак.

Комсомол сиёсий маорифи системасида коммунистик қурилиш тажрибаси билан мустаҳкам, узвий алоқада партия сиёсати, КПСС тарихий тажрибаси, БЛКСМ амалий фаолияти ва тарихини ўрганиш давом этади.

Сиёсий ва иқтисодий ўқишнинг ғоявий-назарий савияси, таъсирчанлиги аввало, пропагандист кадрларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг қарорида пропагандистлик иши — энг муҳим партиявий топшириқ, деб кўрсатилади. Ўтган ўқув йилида 20 мингдан ортиқ коммунист ва партиясиз активлар пропагандистлик ишини олиб борди. Уларнинг кўпчилиги бу ишни асосий ишлари билан моҳирона қўшиб олиб бормоқда. «Пропагандист — самарадорлик ва сифат беш йиллигига» деган ватанпарварлик ҳаракатида қатнашмоқда. Ўтган ўқув йилида деярли пропагандистларнинг 60 фоизи шахсий ижодий план асосида ишлади. Бу ўринда айниқса Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» бирлашмаси, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандистларининг фаолияти ибратлидир.

Энг муҳими — партия ташкилотлари пропагандист кадрларнинг баркамол ишлашлари учун етарли шароит яратишлари, юклатилган вазифа учун пропагандистлар масъулиятини оширишлари, ўқувни ташкил этишдаги расмиятчилик, юзакичилик, қироатхонликка қарши кескин кураш олиб боришлари лозим.

Область партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, пропагандистларнинг асосий кўпчилиги янги тавсия этилган «Жаҳонни ўзгартувчи таълимот», «КПСС иқтисодий сиёсати», «Ривожланган социалистик Назария ва практика масалалари» курслари бўйича муфассал ўқишга муҳтож эканлигини ҳисобга олиб, пропагандист кадрлар учун икки ҳафталик курслар ташкил этди. 1100 дан зиёд пропагандист ана шу курсларда таълим олиб, марксча-ленинча назария проблемалари, КПСС сиёсати, партия пропагандаси методикаси, ўқитиладиган фанларнинг туб масалалари юзасидан ўтказилган лекция ва семинарларда актив иштирок этдилар.

Пропагандист кадрлар тайёрлашнинг синаглан усули — кўп кунлик семинарлар ҳам область партия комитетининг диққат марказида бўлди. Партия ўқуви ва иқтисодий таълим системаси пропагандистларининг семинари бўлиб ўтди. Шундай семинарлар Тошкент шаҳар партия комитети томонидан ҳам ўтказилди.

Янги ўқув йилининг бошланишига шаҳар ва район партия комитетлари ҳам жиддий киришдилар. Улар ҳар бир пропагандистнинг машғулотларни жонли, қизиқарли, ижодий ўтказиши учун юксак малака, кўникмаларни вужудга келтириш учун етарли шароитлар яратишлари, юклатилган вазифа учун пропагандистлар масъулиятини оширишлари, ўқувни ташкил этишдаги расмиятчилик, юзакичилик, қироатхонликка қарши кескин кураш олиб боришлари лозим.

Область партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, пропагандистларнинг асосий кўпчилиги янги тавсия этилган «Жаҳонни ўзгартувчи таълимот», «КПСС иқтисодий сиёсати», «Ривожланган социалистик Назария ва практика масалалари» курслари бўйича муфассал ўқишга муҳтож эканлигини ҳисобга олиб, пропагандист кадрлар учун икки ҳафталик курслар ташкил этди. 1100 дан зиёд пропагандист ана шу курсларда таълим олиб, марксча-ленинча назария проблемалари, КПСС сиёсати, партия пропагандаси методикаси, ўқитиладиган фанларнинг туб масалалари юзасидан ўтказилган лекция ва семинарларда актив иштирок этдилар.

Пропагандист кадрлар тайёрлашнинг синаглан усули — кўп кунлик семинарлар ҳам область партия комитетининг диққат марказида бўлди. Партия ўқуви ва иқтисодий таълим системаси пропагандистларининг семинари бўлиб ўтди. Шундай семинарлар Тошкент шаҳар партия комитети томонидан ҳам ўтказилди.

Янги ўқув йилининг бошланишига шаҳар ва район партия комитетлари ҳам жиддий киришдилар. Улар ҳар бир пропагандистнинг машғулотларни жонли, қизиқарли, ижодий ўтказиши учун юксак малака, кўникмаларни вужудга келтириш учун етарли шароитлар яратишлари, юклатилган вазифа учун пропагандистлар масъулиятини оширишлари, ўқувни ташкил этишдаги расмиятчилик, юзакичилик, қироатхонликка қарши кескин кураш олиб боришлари лозим.

Область партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, пропагандистларнинг асосий кўпчилиги янги тавсия этилган «Жаҳонни ўзгартувчи таълимот», «КПСС иқтисодий сиёсати», «Ривожланган социалистик Назария ва практика масалалари» курслари бўйича муфассал ўқишга муҳтож эканлигини ҳисобга олиб, пропагандист кадрлар учун икки ҳафталик курслар ташкил этди. 1100 дан зиёд пропагандист ана шу курсларда таълим олиб, марксча-ленинча назария проблемалари, КПСС сиёсати, партия пропагандаси методикаси, ўқитиладиган фанларнинг туб масалалари юзасидан ўтказилган лекция ва семинарларда актив иштирок этдилар.

Пропагандист кадрлар тайёрлашнинг синаглан усули — кўп кунлик семинарлар ҳам область партия комитетининг диққат марказида бўлди. Партия ўқуви ва иқтисодий таълим системаси пропагандистларининг семинари бўлиб ўтди. Шундай семинарлар Тошкент шаҳар партия комитети томонидан ҳам ўтказилди.

Янги ўқув йилининг бошланишига шаҳар ва район партия комитетлари ҳам жиддий киришдилар. Улар ҳар бир пропагандистнинг машғулотларни жонли, қизиқарли, иж

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIV ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МАТЛУБОТЧИЛАРНИНГ ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДА 20 КУН ИЧИДА ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН МАТЛУБОТЧИЛАРНИНГ ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСИ БАРПО ЭТИЛДИ

ТОШКЕНТ области чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV Пленумининг «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида»ги қарорини ўзлари учун жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV Пленумида қайд этилганидек, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бу қарори тарихий аҳамиятга молик жуда муҳим ҳужжатдир. Унда республикамиз чорвадорлари олдида турган энг долзарб вазифалар белгилаб берилган. Бундай муҳим қарор биринчи бор қабул қилинди. Унда партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиларининг турмуш фаровонлигини ошириш, республикамизни янада равнақ топтириш тўғрисидаги жуда катта ғамхўрликларни ўз ифодасини топган.

Ҳақиқатан ҳам КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати республикамизда чорвачиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор бераётирлар. Қуйидаги рақамларнинг маъзини чақиб кўринг-а! Мазкур қарорга биноан 1985 йилда барча категориялардаги хўжаликларда гўшт етиштириш тирик вазнда 7 — 40 минг тоннага етказилиши ёки 1978 йилда эришилган даражадан 48 процент кўпайтирилиши кўзда тутилган. Сут етиштиришни 45 процентга, тухум етиштиришни эса икки баравар кўпайтириш режаланган.

Шуниси диққатга сазоворки, барча турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни жадал суръатларда кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу аҳоли дастурхони мол ва чўчқа, қўй ва парранда гўштига, бошқа чорвачилик маҳсулотларига тўкин бўлади, деган гап. Шу билан биргаликда жамоат чорвачилигининг сифат кўрсаткичларини, моллар қаслини яхшилаш белгиланган.

Партия ва ҳукуматимиз чорвачилик моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам катта аҳамият бермоқда. Чорвачилик объектлари қурилиши учун 1 миллиард 100 минг сўм давлат капитал маблағлари сарфланиши мўлжалланган. Бу кейинги 20 йил ичида чорвачилик соҳасига сарфланган маблағларга тенг демакдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг бу муҳим соҳасини жадал юксалтириш учун чорвачилик озуқа базасини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда. Озуқа экинлари майдонларини кенгайтириш учун 500 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш ва экин оборотига киритиш белгилаб қўйилди. Шунингдек, омихта ем ҳамда ун-ёрма саноати корхоналари қувватларини кескин ошириш мўлжалланган.

Бу улуғвор режаларни амалга ошириш область, район ва бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Пленумда қилган докладида Тошкент область партия ташкилотларининг чорвачиликни ривожлантириш соҳасида олиб бораётган жуда катта амалий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Пойтахт области хўжаликларида фақат шу беш йиллик бошидан буён ўнлаб чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари ишга туширилди. Чорвачилик объектлари қурилиши кўлами ҳақиқатан жуда каттадир. Областимизда чорвачилик комплекслари қурилишини янада жадаллаштириш мақсадида махсус йирик қурилиш комбинати қуриб битказилди. Бу комбинат фақат чорвачилик объектлари учун материаллар ишлаб чиқаради.

Шу билан биргаликда саноат корхоналарида, қурилиш, транспорт, савдо ташкилотларида ёрдамчи хўжаликларни ташкил этишга, шахсий хўжаликларда ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Чорвачиликни ривожлантиришда, жумладан, матлубот кооперацияларида қандай амалий ишлар қилиняпти? Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV Пленумининг қарорлари қандай амалга ошириляпти?

Бу қарор эълон қилинганидан бир ой ўтмасданоқ Ўрта Чирчиқ район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ғоят қисқа, рекорд муддатда — 20 иш кунида ҳашар йўли билан район матлубот жамиятининг чорвачилик комплекси барпо этилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Бу комплексда 120 мингта паррандага мўлжалланган паррандахоналар, 800 бош қорамол, 1200 бош қўй ва эчки, 100 та от, 1000 бош чўчқага мўлжалланган бўрдоқичилик базаси мавжуддир.

Матлуботчилар чорвачилик комплексининг барпо этилиши Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида қилаётган улкан ғамхўрликларига амалий жавобдир. Бу Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленумида қилган докладида уқтириб ўтган Тошкент областида чорвачиликни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган диққатга сазовор ишлардан бирининг ёрқин кўринишидир.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаш лозимки, областда чорвачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Оржоникидзе райони кооператорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумига тайёргарлик кўриш давридаёқ КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI Пленуми ҳамда Тошкент область партия комитети II пленумининг чорвачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларига асосан ихтисослаштирилган паррандачилик фабрикаси қуришга қарор қилдилар.

Оржоникидзе район партия комитети бюроси томонидан маъқулланган бу ташаббус районнинг барча меҳнат коллективлари томонидан қўллаб-қувватланди. Улар паррандахоналар ва молхоналар қурилишида ҳамда мавжудларини реконструкция қилишда фаол иштирок этдилар. Бу иш кўп ҳолларда ҳашар йўли билан олиб борилди. Совет турмуш тарзимизнинг ёрқин кўринишига айланган ҳашарда кишилар ўзгача ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатдилар. Шу туфайли паррандачилик комплекси 20 кун ичида қуриб битказилди. Ў шу йилнинг август ойида фойдаланишга топширилди.

Бу ташаббус бошқа районларда ҳам қўллаб-қувватланди. Оржоникидзеликлардан ўрнак олган Калинин районни меҳнаткашлари ҳам паррандахоналар қуришни бошлаб юбордилар. Бу районда ҳам уларни қуриш ҳашар йўли билан олиб борилди.

Мана энди эса Ўрта Чирчиқ райони меҳнаткашлари ҳам меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатиб рекорд муддатда чорвачилик комплексини қуриб битказдилар. Яна шуниси диққатга сазоворки, бу комплекс қурилишда энг илғор тажриба ва фан ютуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Бу район меҳнаткашларининг муҳим аҳамиятга эга бўлган чорвачиликни ривожлантиришга ижодий ёндашаётганликларидан далолат беради.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев район саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари билан оржоникидзеликлар тажрибасини ўрганиш учун бу ерга бораётган пайтдаёқ кўпчилик матлуботчиларга паррандачилик комплекси қурилишида қандай ёрдам кўрсатишлари мумкинлигини режалаб қўйган эдилар. Шундан сўнг улар ўз корхона ва ташкилотларидаги имкониятларни пухта-пишиқ ҳисоблаб чиқиб, район партия комитетининг бюросида уларни баён қилдилар. Шу тариқа район матлубот жамиятининг эски бўрдоқичилик базаси яқинидаги бўш ётган жойда 120 мингта паррандага мўлжалланган тўртта янги паррандахона барпо этиш мумкинлиги аниқланди. Шу билан биргаликда мавжуд чорвачилик биноларини қорамоллар, қўйлар, от ва чўчқаларни бўрдоқига боқиш учун реконструкция қилиш белгилаб олинди.

Кўп ўтмай бу режалар амалга оширила бошланди. Ҳар бир корхона ва ташкилотга чорвачилик комплексини қисқа муддатда қуриб битказиш учун аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Комплексдаги 12 та объект алоҳида-алоҳида участкаларга бўлинди. Ҳар бир участка маълум ташкилотга биркитилиб, объектлар группасини қуриш бўйича штаб бошлиқлари тайинланди. Ана шундай 9 штаб тузилиб, бу ерда олиб борилаётган иш ҳар куни муҳокама қилиб борилди. Комплекс қурилиши эса район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев раҳбарлик қилган бош штаб томонидан мунтазам назорат остига олинди.

Комплекс қурилиши иштирокчилари бу ишни ҳашар йўли билан олиб бориш ҳақида шундай дейдилар:

М. ЭГАМБЕРДИЕВ — Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари:

— Комплекс қурилишида иштирок этган оддий ишчилардан тортиб раҳбарларгача — ҳамманинг топширилган иш учун шахсий масъулият ҳиссини ва юксак уюшқоқликларини алоҳида қайд қилмоқчиман. Штаб йиғилишларида баъзи пайтда айрим қурилиш материаллари етишмаслиги ҳақида гап бўлиб қоларди. Шунда бу ерда ҳозир бўлганлардан бирортаси албатта бу ташкилотга ёрдам қўлини чўзарди. Комплекс қурилишда ишлаганлардан бирорта ташкилотни алоҳида ўрнак қилиб кўрсатиш қийин. Ҳамма меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиб, юксак унум билан ишлади.

Ҳ. ОМОНОВ — «Ташоблколхозстрой» трестининг Ўрта Чирчиқ колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи:

— 3 сентябрда бизга комплексдан майдон ажратиб беришди. Шу куни кечасиёқ пойдеворга бетон қуйишни бошлаб юбордик. 10 сентябрда колонналарни монтаж қилишни тугалладик. Шу билан бир вақтда девор панелларини монтаж қилиш олиб борилди. Беш кундан сўнг 33 та ферманинг монтажи тугадланди, 20 сентябрда эса объектларнинг устини бекита бошладик. Икки кун ичида пардозловчиларимиз объектни фойдаланишга топширишга тайёрлаб бердилар. 24 сентябрда эса 1- паррандахонага паррандалар олиб келина бошланди. Бу объектлар қурилишида Виктор Шмидт бошлиқ монтажчилар, Комил Аблаев бошлиқ дурадгорлар, Омил Умрбоев бошлиқ бетончилар бригадалари коллективлари ҳамда Ш. С. Кикнадзе раҳбарлик қилган темир-бетон буюмлари полигони ишчилари ва кўпчилик бошқалар ўрнак кўрсатдилар.

Т. ХЕГАЙ — Республика қурилиш министрлиги 23-трести 21- механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи.

— Биз 30 минг паррандага мўлжалланган паррандахона қурилишида уни тўла йиғув усулида барпо этиш усулини қўлладик. Биз Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасидаги паррандахоналарни ҳам шу усулда қураяпмиз. 4- паррандахона қурилишида биз билан бирга «Ўзсельстройин д у с т р и я» трестига қарашли Бектемир темир-бетон буюмлари заводи, шу трестнинг экспериментал ремонт-механика заводи, «Ўзсельпромтехмонтаж» трестининг 65- СПМКси, автомобиль йўллари министрлигининг 12-автотранспорт корхонаси коллективлари меҳнат қилди. Бу коллективларнинг бир-бирига ёрдам бериб, ўзаро ҳамкорлик билан ишлаганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Худди шунинг учун ҳам объектлардаги ишлар икки сменада юксак маромда олиб борилди.

Комплекс қурилишида матлуботчиларнинг ўзлари ҳам самарали меҳнат қилдилар. «Ўзкоопстроймонтаж» трестининг Тўйтепа механизациялашган кўчма колоннаси 11 йилдан бери Ўрта Чирчиқ районида иш олиб бормоқда. Райондаги, шу жумладан областдаги кўплгина объектлар мазкур колонна коллективи томонидан барпо этилмоқда. Улар нон заводлари ва савдо марказлари, универмаг ва магазинлар, заправка станциялари ва мева-сабзавот комбинатлари қураяптилар.

Колонна коллективи чорвачилик комплекси қурилишида 75 ўринли ошхона ҳамда магазин бунёд этди. Шуниси диққатга сазоворки, қурилиш майдонида ишга туширилган биринчи объект ана шу ошхона бўлди.

З. РЕДВАНОВ — «Ўзкоопстроймонтаж» трестининг Тўйтепа механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи.

— Бизнинг группамизда озуқа цехи ва бошқа объектлар қурилиши, молхона реконструкция қилиниши лозим эди. Шу билан биргаликда биз комплекс атрофини ободонлаштириш ишларини ҳам олиб бордик. Бу ишларни колоннамизнинг З. Пошалиев ва Ҳ. Санақуловлар бошлиқ участкалари қурувчилари бажардилар. Сервер Мустафоев, Абдулла Шайхуддинов, Сабри Сейдаблаевалар бошлиқ комплекс, Геннадий Петровнин ва Мария Акбаровалар бошлиқ пардозловчилар бригадалари коллективларининг фидокорона меҳнат қилганликларини алоҳида таъкидлаш керак.

Комплекс территориясида 5 минг квадрат метр майдонга асфальт ётқизилди, Ўрта Чирчиқ райони электр тармоқлари коллективи 3 километрдан ортиқ жойга электр тармоқлари тортиб, 20 минг сўмлик электр-монтаж ишларини бажарди. Бизнинг штабимиздаги объектлар қурилишида автомобиль йўллари министрлигининг 74-автобазаси, область матлубот союзининг ремонт-бошқармаси, «Ўздориндустрия» трести 1- ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж бошқармаси, республика қурилиш министрлигининг 6-трестининг 2- механизациялашган кўчма колоннаси коллективларининг самарали меҳнатларини қайд қилиш даркор. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу қурилишда иштирок этган барча коллективлар қатори бизнинг ташкилотимиз ҳам қурилиш-монтаж ишларини асосий ишлаб чиқариш ишларини тўхтатмаган ҳолда олиб бордилар.

Бу жуда тўғри фикр. Барча ташкилотлар комплекс қурилишига ишчи кучи, техника воситалари ажратганларига қарамай ўзларининг ишлаб чиқариш планларини ҳам муваффақиятли адо этмоқдалар. Натижада жуда кўп коллективларда ҳали фойдаланилмаётган катта резервлар мавжудлигини кўрсатади.

Матлубот кооперацияларида чорвачилик комплекслари қурилиши тажрибасидан областимизнинг бошқа районларида ҳам фойдаланилади. Бу эса янги-янги чорвачилик комплекслари барпо этилиб, аҳолига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш янада кўпайтирилади, демакдир.

С. БЕРКОВИЧ.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ ХЎЖАЛИКЛАРИДА, САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ, САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВАЧИЛИК КЕНГ МИҚЕСДА РИВОЖЛАНТИРИЛСИН...»

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми қароридан).



Республика қишлоқ қурилиши министрлиги 23-трестининг 21-кўчма механизациялашган колоннаси коллективи бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 8-паррандахонани бунёд этдилар. Айниқса 21-кўчма механизациялашган колоннанинг Фарида Ҳабибуллина бошлиқ комплекс бригадаси аҳли худди шу министрликнинг 65-ихтисослашган кўчма механизациялашган колонна монтажчилари К. Чепелевич, Н. Марьин, Ф. Халиулин, В. Абрамов каби монтажчилар билан самарали меҳнат қилдилар. Суратда: монтажчилар Д. Ўринов, И. Тожиев, участка бошлиғи Л. Жабриев, бригада раҳбари Ф. Шарофитдиновлар.

* * *

«Ташоблколхозстрой» трестининг колхозлараро кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи Ҳ. Омонов комплекснинг рамзий калитини Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятининг раиси Н. Илхомовга топширмоқда.

* * *

Қурилиш бошлангандан 21 кун ўтгач биринчи товуқхона ишга туширилди. Товуқбоқар Любовь Крюхина жўжаларни соғлом ўстираяпти.

* * *

Тўрт паррандахонада 120 минг товуқ боқилмоқда. Бундан кейин яна ҳам такомиллашган технологияни жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Товуқларни катакларда боқиш усулига ўтилгач, бу ерда 350 минг парранда бўлади. Бу эса ҳар йили 1000 тонна парранда гўшти етказиш имконини беради.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

Ф. КАСТРОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ГАВАНА, 1 октябрь. (ТАСС). Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро АҚШнинг Си-Би-Эс радио ва телевизион компанияси мухбири билан суҳбатда (бу суҳбат Куба телевидениеси орқали кўрсатилди) совет ҳарбий ходимларининг Кубада турганлиги ҳусусида. Қўшма Штатларда авж олдирилаётган игвогарлик кампанияси кескин қоралади.

— Куба раҳбари Америка пропагандаси тарқатаётган миш-мишларни қатъиян рад этиб, аслида гап совет мутахассислари ишлаётган ҳарбий таълим маркази тўғрисига бораётганлигини таъкидлади. Бу марказ, деб давом қилди у, 1962 йилдан буён ишлаб турибди, буни АҚШнинг ҳамма президентлари яхши билишар эди. Ўша вақтдан буён совет ходимларининг характерлари ва вазифалари ўзгарди, деган даъволар — Америка ва жаҳон афкор оммасига тиқиштирилаётган ғирт ёлғондир.

Бутун Лотин Америкаси каби Куба ҳам АҚШнинг улардан республика ўз мудофаасини мустаҳкамлаш учун кўраётган тадбирлари ҳусусида «изоҳ беришни» талаб қилиши мумкин бўлган қарами эмас, деди сўнгра Ф. Кастро. Америка маъмурияти ана шу масала теварагида авж олдирган бутун шовқин-сурон даставвал қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг VI конференцияси Гаванада ўтказилишини барбод этиш ва шу билан бирга Америка ҳозирги маъмуриятининг обрўсини оширишга уриниб кўриш мақсадини кўзлаган эди.

Ф. Кастро Кубадаги самолётлар гўё ядро қуроли билан таъминланиши мумкин, деган даъволарни бўҳтон, деб таърифлади. Бундай қуролни, деди у, Кубага фақат Совет Иттифоқи бериши мумкин эди. Бироқ Совет Иттифоқи 1962 йилда тузилган Совет — Америка битими қоидаларига аниқ ва сўзсиз амал қилмоқда. Куба территориясида ядро қуроли ҳам бошқа биронта стратегик қурол ҳам йўқ.

Куба раҳбари Кубада совет ҳарбий ходимлари турганлиги муносабати билан авж олдирилган кампанияни лўттибозлик, деб атаб, айни вақтда АҚШни Кубага яқин жойлашган районлар — Пуэрто-Рикода, Флорида штатида ҳарбий кучларни намойиш қилиш йўли билан қасддан кризис чиқаришга уринишдан, шунингдек АҚШнинг Гуантанамодаги ҳарбий-денгиз базасида Америка ҳарбий кучларини кўпайтиришдан огоҳлантирди. Кубани чўчитиб бўлмайди, деди у.

ЭРОН МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ «КАЙХОН ИНТЕРНЭШНЛ» ГАЗЕТАСИНИНГ МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

ТЕҲРОН, 1 октябрь. (ТАСС). Янги мудофаа министри М. Чамран «Кайхон интернэшнл» газетасининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: собиқ режим вақтида вужудга келган системага барҳам бериш ҳамда бу системани революция талабларига мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Эрон қуролли кучларида олий қўмондонлик составидан бошлаб тозалаш ўтказилади.

Биз бирон-бир мамлакат билан ҳам ҳеч қандай ҳарбий шартнома тузмаймиз ва бирон-бир ҳарбий иттифоққа қўшилмаймиз. Эрон Ғарб билан тузган ҳамма ҳарбий шартномаларни бекор қилади, деди министр. У Эрон ўзининг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга интилади, деб таъкидлади. «Эрон шу регионда Американинг базаси ва Яқин Шарқда сионистларнинг малайи бўлган вақтлар ўтиб кетди».

Министр таъкидладики, Эрон бундан кейин Яқин Шарқда империализмнинг жандарми бўлмайди ва ҳеч кимга ҳужум қилиш ниятида эмас. У Эронининг бошқа мамлакатлар билан, айниқса қўшни мамлакатлар билан муносабати дўстона бўлади, деб айтди.

ПОКИСТОНДАГИ АҲВОЛ

ИСЛОМОБОД, 1 октябрь. (ТАСС). Ўтган ҳафта ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларига бўлиб ўтган сайловлар ва парламентнинг қуйи палатаси — миллий ассамблеяга 17 ноябрда сайлов белгиланганлиги муносабати билан Покистонда вужудга келган кескин вазият ҳамон сақланиб қолмоқда. Маҳаллий матбуот армия билан полиция назорати остида ўтаётган сайлов ҳақида, сайловчилар билан полиция ўртасидаги тўқнашувлар тўғрисида хабар беради.

«Муслим» газетаси кеча Марриобод шаҳрида (Белужистон вилояти) Покистон Халқ партиясининг тарафдорлари намойиш уюштиргانликларини эълон қилди. Полиция намойишчиларни тарқатиб юборди. Тўқнашувлар натижасида ярадор бўлган кишилар бор. Намойишчилар орасидан айрим кишилар қамоққа олинди. Сайлов давомида Синд вилоятида ҳам тўқнашувлар бўлиб ўтди. Бир неча киши ҳалок бўлди.

Ҳарбий маъмурлар мамлакатнинг бир қанча етакчи сиёсий партияларини, жумладан, Покистон халқ партияси, Покистон миллий партияси ва миллий демократик партияни парламент сайловида иштирок этишидан амалда четлатиб қўйганликлари муносабати билан ички сиёсий вазият янада кўпроқ кескинлашди. Бу партиялар ўзларининг молиявий фонд манбалари тўғрисида ўз вақтида маълумот бермадилар, деган баҳона билан шундай қарор чиқарилган эди. Покистон миллий уюшмасига кирган гуруҳлар ҳам умумий сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларидан рўйхатга ўтишдан бош тортганликларини билдирдилар.

Ҳарбий маъмурият собиқ бош министр З. А. Бхутто партияси бўлмиш Покистон халқ партиясини сайловда иштирок этишига йўл қўймаслик тўғрисида қарор қилганлигига қарамай, унинг раҳбарлари, шу жумладан З. А. Бхуттонинг қизи Беназир ва қатл этилган бош министрнинг энг яқин дўстларидан бири истеъфодаги генерал Тиккахон мустақиллар сифатида ўз номзодларини қўйиш ниятида эканликларини билдирдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БЕРЛИН. Хештетддаги рангли металлар прокат заводи коллективининг руҳи баланд. Бу ерда мис сим тортадиган, совет инженерлари яратган янги агрегат ишга туширишга тайёр қилиб қўйилди. Нодир технология илгари анъана бўлиб қолган тўрт ишлаб чиқариш циклини чеклаб ўтиш имконини беради. Шу система лойиҳадаги қувватга эришгандан кейин корхона ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини қариб 25 процент кўпайтиради.

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина Коммунистик партияси эълон қилган баёнотида мамлакатда Чилидагидек ҳукумат ҳарбий тўнтариш ҳавфи борлигини уқтирди. Коммунистик партия жамоатчиликни, барча сиёсий партиялар ва ташкилотларни, сиёсий ихтилофларни бартараф этиб, реакциянинг демократик ривожланишга ҳалақит бериш йўлидаги уринишларига қатъий қарши чиқишга чақирди. Аргентиналикларнинг кўпчилиги қўллаб-қувватлаётган ҳудди мана шундай демократик йўл мамлакат олдида турган жиддий муаммоларни ҳал этиш учун асос бўла олиши мумкин, деб уқтириб ўтишди коммунистлар.

(ТАСС, 1 октябрь).

Э. Б. МЕЖЕЛАЙТИС 60 ЁШДА

АТОҚЛИ ШОИР

Совет адабиёти истеъдодли адибларга бой. Авар шоири Р. Гамзатовнинг фалсафий мушоҳидага бой шеърлари, қиррали ёзувчиси Ч. Айтматовнинг теран маъноли қиссалари, рус шоирларидан Е. Евтушенко ва А. Вознесенскийнинг публицистик руҳга бой шеърияти каби адабий ҳодисалар Иттифоқимиздаги ҳар бир миллат китобхонининг маънавий мулкига айланган. Шу маънода литвалик шоир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эдуардас Беньяминович Межелайтиснинг ижоди ҳам мавзу ва шакл бирлигини янгича талқин этиш билан диққатга сазовор. Айниқса, у ўз ижодида ҳамиша янги мавзуларга интилиш йўлида шеъриятнинг ифодавий усулларини кенгайтиришга интилаётгани, асарларининг яхлит образлилигини таъминлашда новаторона йўл тутаётгани характерли адабий ҳодисадир. Истеъдодли шоирнинг шундай изланишлари туфайли бунёд бўлган «Инсон» шеърий китобининг Ленин мукофоти билан тақдирланиши шоир ижодига берилган юксак баҳодир.

Э. Б. Межелайтис 1919 йил 3 октябрда Литва ССР-нинг Пакруон районида ишчи оиласида туғилди. Шеър ёзишни 1935 йил бошлаган. Унинг илк шеърлар тўплами «Лирика» номи билан 1943 йили нашр этилган. «Уйқусиз тунлар» (1944) достонида Литва Совет Социалистик Республикасининг тузилиши ва халқнинг немис-фашист босқинчиларга қарши кураши ўз аксини топган. Шоирнинг «Ватандан эсган шамол» (1946) шеърий тўплами ва «Қардошлик достони» (1955) халқлар дўстлиги, меҳнатга ва миллий маданиятга муҳаббат руҳи билан сугорилган. «Бегона тошлар» (1957), «Юлдузлар остида» (1959), «Каҳрабо қуёш» (1961), «Жанубий панорама» (1963), «Тунги капалаклар» (1966) шеърий китобларида Межелайтис янги тасвир воситаларини ахтарди, фалсафий мушоҳадаларга бой шеърлари билан ҳаёт ҳақиқатини янгича талқин этди. «Лирик этюдлар» (1964) ва «Нон ва сўз» (1965) каби поэтик-публицистик китобларида литва адабиёти анъаналари ва ҳозирги давр шеъриятининг вазифалари баён қилинган.

Шеъриятда ўзига хос янги мактаб яратган, поэтик шаклларга катта ўзгаришлар олиб кирган шоирлар адабиёт тарихида анча-мунча учрайди ва уларнинг ижодий принциплари ҳам ҳамиша китобхонларни қизиқтириб келади. Э. Межелайтис шеърияти, унинг ижодий ўйлари билан яқиндан танишган китобхон бу шоир ижодида новаторлик эътиборга сазовор белгилардан ҳисобланади. Хусусан, шоирнинг «Ноаён нарсаларни англаш, уни аён этмоқчи бўлган кучлидир» деган фикрларини шу маънода тушунамиз. У чинакам поэзиянинг намоён бўлишида китобхоннинг ролини алоҳида таъкидлайди, чинакам шеърхон шоирнинг поэтик оламини англаш учун баъзи бир шеърларини қайта-қайта ўқиши лозимлигини уқтиради, шунинг учун ҳам «ҳақиқий санъат» — бу доимо мураккаб санъатдир» деб таъкидлайди.

Э. Б. Межелайтиснинг «Инсон» шеърий китоби ўзбек тилига таржима қилинган. Сиз қуйида атоқли шоир шеърларидан янги таржима билан танишасиз.

Эдуардас МЕЖЕЛАЙТИС. Ленин мукофоти лауреати.

ТУМАНЛИ ТОНГ

Ойнинг қумуш сочларини
Тонг тароқлар майин-майин.
Тасбиҳ тутган роҳибага
Ўхшар боши эгик қайин.
Қаддин аста ростлар-у сўнг
Шохлари-ла қўлин қучар.
Ва сирланган идишдан чўнг,
Туманни сут каби ичар...

Саъдулла ҲАКИМ таржимаси.

ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА

Султон Сегизбоев номли совхознинг 5-бўлимида жойлашган кичкинтойлар масканида қувноқ болалик ҳукмрон. Ҳозир бу ерда 50 га яқин ўғил-қиз тарбия топмоқда. Биз боғчага кириб, декламация устидан чиқиб қолдик. Мана бу шеърни кичкинтойлар ролларга бўлиниб ижро этишди:

БОЛА:
Ўзинг кичкина
Овозинг яхши
Қани, булбулчам
Бир сайраб бер-чи.
БУЛБУЛ:
Майли, ўртоқжон,
Майли, сайрайман.
Кўм-кўк боғингда
Учиб яйрайман.

Шундан кейин Наргиза Чиннибоева, Барно Турғунбоева, Холмўмин Йўлдошевлар томонидан ёддан айтилган «Дангаса», «Ёз», «Айиқча» каби шеърлар янгради.

Моҳир мураббий Ў. Абдужабборова бошлиқ боғча тарбиячилари Халқаро болалар йилига атаб «Биз — бахтиёр болаларимиз» деган адабий кеча ҳам тайёрлашган. Бу шеърлар ана шу программадан ўрин олган эди.

Ҳ. ШОЗАДАҚУЛОВ.

БЕМОР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ПРАКТИКА—БИЛИМ СИНОВИ

МЕҲНАТ Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институтининг студентлари ёзда қурилиш отрядларида, турли медицина муассасаларида учинчи семестрни муваффақиятли ўтказдилар.

Шифокорлик касбини эгаллаш иштиёқи қалбида жўш урган студент практикантлар республикамизнинг қайси шаҳридаги поликлиника, касалхонада бўлмасин, ўзларининг институтда чуқур билим олаётганликларини намойиш этишди.

1-даволаш факультетининг тўртинчи курс студентлари жарроҳлик, терапия ва акушерлик бўйича практика ўтказдилар. Тошкент, Қибрай, Чирчиқ, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Жиззах, Урганч, Нукус, Хива каби шаҳарлардаги шифохона ва поликлиникаларда назарий билимларини амалда мустаҳкамладилар.

Маълумки, студент практика ўтаётган коллективининг аъзоси ҳисобланади. Бу эса унинг зиммасига меҳнат интизомини масъулият билан ҳис этиш, практика ўтаётган касалхона ёки поликлиниканинг жамоат ишларида актив иштирок этиш кабиларни юклайди. Шифохона ва поликлиникаларда студент практикантларга алоҳида эътибор билан қаралади. Зеро, тажрибали шифокорлар ҳар бир практикантда бўлғуси шифокорларни синаб кўрадилар.

— Практикамизнинг дастлабки куниданоқ,— дейди 1-даволаш факультетининг тўртинчи курс студенти Нигора Мўминова,— мустақил равишда беморлар билан юзма-юз учрашдик, яъни, беморларни мустақил равишда қабул қила бошладик. Клиникаларда биз практикантларни ассистент шифокорларга бириктириб, маълум палаталар белгилаб берилди. Ҳар бир студент практикант мустақил равишда икки-учта палатада иш олиб борди. Энг муҳими шундаки, ҳар бир беморни текширганимиздан сўнг шифокорлик касбини эгаллашимиз учун яна бир қадам қўйгандек ҳис этдик ўзимизни. Касалликнинг ҳеч бири бошқасини такрорламаслиги, ўзига хослиги бизларни мустақил фикрлашга, бунинг учун эса янада кўпроқ, чуқурроқ билим эгаллашимиз кераклигига ундади. Операцияларда ассистент бўлиб иштирок этиб, баъзи бир «кичик операция»ларни эса мустақил равишда бажардик. Оралиқдаги бўш вақтларда эса агитация ва пропаганда ишлари билан шуғулландик. Ўтган бир ярим ой ичида ҳар бир студент-практикант маълум бир тема бўйича беморлар орасида икки-учта лекция ва суҳбатлар ўтказди. Бунда биз асосан профилактика тадбирлари ҳамда турли юқумли касалликларнинг олдини олишга, организмда учрайдиган барча турдаги ички касалликларга чалинмаслик, учраган тақдирда эса нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида лекция ва суҳбатлар ўтказдик. Беморлар жуда қизиқиш билан тинглаб, мамнун бўлишди. Айниқса, Машҳура Алимова, Зумрад Сирожиддинова, Оля Приходько, Андрей Беленкий сингари студентларнинг фаолиятидан беморлар ҳам, клиника раҳбарлари ҳам хурсанд бўлишди.

Ҳа, ҳақиқатан студент практикантлар ўзлари меҳнат қилган шифохоналарнинг етакчи мутахассисларига яқин кўмакдош бўлиб меҳнат қилдилар. Бу дастлабки практика эса улар ҳаётида унутилмас таассурот бўлиб қолади.

Қ. НИЗОМОВ,
ТошМИ студенти.

Сокин ва оромбахш куз В. Таран фотоэтюди.

Спорт

ВЕЛОПОИГА. Бутуниттифоқ кўп кунлик велопойганинг туққизинчи босқичи тугади. Судак—Ялта шаҳарлари орасидаги 114 километрлик масофани 3 соату 5 минутда босиб ўтган Тарту шаҳридан динамочи А. Пиккуус бу босқичда ғолиб бўлди. Олмаликлик ёш спортчи Ш. Загриддинов ҳам ана шундай кўрсаткич билан иккинчи ўринни эгаллади.

ГТО КЎПКУРАШИ. Фарғонада «Комсомольская правда» газетаси совғини учун республика ГТО кўпкураши мусобақалари поёнига етди. Республика областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри командаларининг уч юз нафардан ортиқ спортчиси юксак унвон учун ўзаро курашдилар. Команда ҳисобида фарғоналиклар биринчи ўринни эгаллашди. Тошкент шаҳри командаси иккинчи, пойтахт области командаси эса учинчи бўлдилар.

Мусобақа якунига кўра энг кучли спортчилардан иборат республика терма командаси тузилди. Бу команда 29—31 октябрь кунлари Олмаота шаҳрида ўтказиладиган Бутуниттифоқ мусобақаларида иштирок этади.

ШАХМАТ. Шахмат-шашка клубида республикадаги энг кучли мастерликка номзодлар турнири давом этаётир. Кеча 14 тур ўйинлари бўлиб ўтди. 13 турдан сўнг 10,5 очко тўплаган олмаликлик спортчи Николай Развалаев пешқадамлик қилаётир. Ундан бир очко орқада қолган тошкентлик шахматчи Константин Малиничев эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

ВОЛЕЙБОЛ. Нукус шаҳрида ўсмирлар ўртасида республика биринчилигининг финал мусобақалари бўлиб ўтди. Катта ёшдаги группа спортчилари ўртасида Фарғона шаҳри волейболчилари ғолиб бўлдилар. Кичик ёшдаги группа спортчилари ўртасида эса республика чемпиони бўлиш Тошкент шаҳри командасига насиб қилди.

ХОККЕЙ. Чим устида хоккей бўйича аёллар ўртасида олий лига командаларининг 7 — 10 ўринлар учун мусобақалари Олмаота шаҳрида ўтказилди. Бу ерда кучли тўрт команда ўртасида кескин мусобақалар бўлди. Тошкентнинг «Университет» командаси хоккейчи қизлари Киевнинг «Спартак» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Москванинг «Крилья Советов» командаси билан дуранг (0:0) ўйнадилар. Шундай қилиб улар келгуси йил олий лигада иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МЕҲНАТКАШЛАРИ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИ ИМКОНИЯТЛАРИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР.

МАНА, БАЪЗИ ФАКТЛАР! ОБЛАСТЬ АҲОЛИСИНИНГ ҲАР ИККИСИДАН БИРИ КАССАГА ПУЛ ҚУЯДИ. ҲОЗИР 331 ОМОНАТ КАССАСИ АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ. 360 МИНГДАН ЗИЁД ОМОНАТЧИ ЎЗ ПУЛЛАРИНИ АНА ШУ КАССАЛАРДА САҚЛАМОҚДА.

Тошкент областининг омонатчиларига омонатлардан процент тариқасида ҳар йили 8 миллион сўм даромад тўланмоқда. 1978 йилда ютуқли омонатларга 160 минг сўмдан ошиқ ютуқ, 3 процентли давлат заёми бўйича эса 3 миллион сўмдан зиёд ютуқ тўланди. Аҳолига 14 миллион сўмдан ошиқ миқдорда ҳисоб чеки берилди. 10.000 дан зиёд ишчи ва хизматчилар иш ҳақини омонат кассалари орқали олмоқдалар.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ТЎЛОВЛАР УЧУН ЖУДА ҚУЛАЙ ҲАМДА ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ!

Ҳар бир оила ойига камида бир марта квартира ҳақи, коммунал хизмат, газ, электр энергияси, телефон, болалар боғчаси учун пул тўловларини топшириш мақсадида омонат кассаларига боради. Ҳолбуки, омонатчининг топширувига биноан омонат кассалари корхоналар, муассасалар билан ҳар қандай тўлов бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб омонат кассалари томонидан бир пайтда ёки узоқ вақт давомида — топширув бекор қилингунига қадар бажарилади.

Омонатчи нақд пулсиз ҳисоб-китоб тўғрисидаги топширувни омонат кассасига почта орқали бериши ҳам мумкин.

Бундай топширувларни тўлдириш учун зарур бўлган бланкаларни истаган омонат кассасидан олиш мумкин.

Омонатчи омонат кассасига келган пайтда унинг ҳисобидан ўтказилган барча пуллар омонат дафтарчасига ёзилади.

Омонат кассаси орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб — тўловнинг энг қулай формасидир.

ҚАНДАЙ ОМОНАТ ЯХШИ?

Омонат кассалари миллионлаб меҳнаткашларга шахсий бюджетларини тўғри ташкил этиш, меҳнат даромадларидан ўзларининг ўсиб бораётган маданий ва маиший эҳтиёжлари учун мақсадга мувофиқ фойдаланишларига ёрдам беради.

Кўпчилик гражданлар ўз омонатларига бир озгина бадал тўлаш йўли билан уй-жой қуриш, қимматбаҳо буюмлар сотиб олиш, курортларга бориш учун зарур бўлган маблағни жамғарадилар.

ХУШ, ОМОНАТНИНГ ҚАЙСИ БИРИ ЯХШИ?

Талаб қилиб олгунча сақланадиган омонатлар чекланмаган муддатга ва чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Уларни хоҳлаган вақтда кўпайтириб ва истаган вақтда бир қисмини ёки ҳаммасини олиш мумкин. Бундай омонатлар бўйича омонат кассалари йилига 2 процент даромад тўлайди.

Муддатли омонатлар камида олти ойлик муддат билан қабул қилинади. Бундай омонатлар учун оширилган даромад — 3 процентдан даромад тўланади.

Ютуқли омонатлар бўйича даромад ютуқ тариқасида тўланади. Йилига икки марта — апрель ва октябрда тираж ўтказилади. 1000 ҳисобга омонатнинг ўтган ярим йилдаги ўртача қолдигига нисбатан битта — 200 процент, иккита — 100 процентдан, иккита 50 процентдан ва 20 та — 25 процентдан 25 та ютуқ ўйналади.

Шартли омонатлар қўйилаётганда шарт белгиланади. Масалан, омонатчи уни билим юртини битиргандан сўнг ёки камолот ёшига етгандан сўнг олиши мумкин.

Жорий ҳисоб омонатлари пул қўювчининг омонат кассаларига шахсан бормасдан ўз омонатидан фойдаланиш имконини беради. Пул чек ёзиб берган кишига тўланади. Бундай омонатларда пул қўювчилар йилига 2 процент даромад оладилар.



КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Миллионлаб меҳнаткашлар омонат кассалари хизматидан баҳраманд бўлмоқдалар. Омонат кассалари уларга ўз жамғармаларини ишончли ва қулай тарзда сақлаш, пул ҳисоб-китоби юритиш имконини беради.

Омонат қўйиш учун, айниқса қишлоқ хўжалик ишлари қизиган пайтда омонат кассасига шахсан ўзингиз боришингиз шарт эмас. Ҳар бир ишчи, хизматчи, колхозчи ўз корхонаси ёки колхози бухгалтериясига иш ҳақининг ёки пул даромадларининг маълум қисмини омонат кассасига ўтказиш тўғрисида ариза бериб қўйса бас.

Аризада омонат кассасининг номери ва унинг қаердалиги, пул ўтказиш муддати ва неча сўм ўтказиш кераклиги, шунингдек омонат бўйича счет номери кўрсатилиши керак. Агар омонат бўйича счет очилмаган бўлса, аризада счет номери ўрнига «янги» деб кўрсатиш шарт. Пул қўювчи омонат кассасига биринчи марта борганда унинг жамғармасига ўтказиладиган пул у кўрсатган омонат дафтарчасига ёзилади, янгидан очилган счет учун эса омонат дафтарчаси берилади.

Меҳнаткашлар даромадларидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш омонатчилар учун қулайлик яратади, улар омонат кассаларига беҳуда қатнаб вақтларини кетказмайдилар.

ҲИСОБ—КИТОБНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ҚИЛАДИ

Давлат Меҳнат омонат кассалари аҳолига ошиқча маблағларини ишончли сақлаш имконини беради, пул ҳисоб-китобини олиб боради, жамғарманинг кўпайишига кўмаклашади, шунингдек қатор жараёнларни бажаради:

— омонат учун нақд пул қабул қилади ва омонатчининг биринчи талаби билан уни қайтариб беради;

— омонатчининг топширувига биноан омонатни бир кассадан иккинчисига ўтказади;

— аккредитивлар беради ва уларга пул тўлайди;

— давлат 3 процентли ички ютуқ заёмларини сотади ва сотиб олади;

— давлат облигациялари ва лотерея билетларига чиққан ютуқларни тўлайди;

— аҳолига магазинлардан 200 сўмдан қиммат турувчи молларни сотиб олиш учун ҳисоб чеклари беради;

— омонатчиларга ўз жамғармаларини нақд пул тўловсиз кўпайтириш имконини беради, топширувга биноан квартира, коммунал ва бошқа хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб ўтказади. Бу ишлар маълум бир вақтда ёки узоқ муддат давомида амалга оширилиши мумкин.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНГИЗ — БУ ҲАМ ФОЙДАЛИ, ҲАМ ҚУЛАЙДИР!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

Реклама ва эълонлар

КИНОТЕАТРЛАР, КЛУБЛАР, МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ, МАКТАБЛАР, БИЛИМ ЮРТЛАРИ, ТЕХНИКУМЛАР ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область кинофильмлар прокати конторасиси

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИНИНГ ШАҲАР ВА РАЙОНЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА
КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАБ

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРНИНГ ТЕМАТИК НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ

«ДЎСТЛИКНИНГ БОШЛАНҒИЧ АСОСЛАРИ», «ИЛЬИЧ АТЛАСИ», «БУЮК МЕҲНАТ АРМИЯСИ», «ОЛДИНГИ САФДА — КОММУНИСТЛАР», «ҚУРИҚ ЕРДАГИ ҚИШЛОҚДА», «САИЛОВ», «ҚИЗИЛ МАЙДОН», «ЯЛ УФҚЛАРИ», «БИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ», «ВАТАННИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ», «ВАТАНИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ», «МЕН СЕНИНГ ҲАЛИНГМАН — МОСКВА».

ЗАЯВКАЛАР БИЛАН МАҲАЛЛИЙ РАЙОН КИНО ДИРЕКЦИЯЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН. УЛАР ЗАРУР ФИЛЬМЛАРНИ ПЛАНЛАШТИРИШ УЧУН КИНОПРОГРАММА ТУЗУВЧИЛАРИГА УЧРАШСИНЛАР.

ЗАЯВКАЛАРНИ ОЛДИНДАН БЕРИБ ҚЎЙИНГ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИНИНГ РЕКЛАМА-АХБОРОТ БЎЛИМИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Сиз ёқтирган шеърлар. 10.35 — Қизлар баҳори. Бадиий фильм. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Халқаро болалар йилига. 16.10— Подмосковье меридиани. 16.40 — Э. Межелайтис туғилган кунинг 60 йиллигига. 17.30 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар. 18.00 — Горичлар, қаердасиз? 18.30 — Кураш ва бирдамлик қўшиқлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.50 — Душанбагача омон бўлсак. Бадиий фильм. 21.30— Время. 22.00 — Футбол бўйича Европа чемпионлари кубоги учун. «Динамо» — (Тбилиси) — «Ливерпуль» (Англия). 24.00 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.20 — Мультфильм. 18.30 — Тенгдошларинг ижоди. 19.00 — Ёқилғи ва электр энергия тежамкорлиги учун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артист Ф. Белялов куйлайди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зардоб фронт. 22.20 — Нафосат. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — М. Горький эртаклари. 19.30 — Пойтахт области далаларида. 20.00 — Янгиликлар. 20.50 — Сен ўйлаган Москва ҳақида.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/Х да **Князь Игорь**, 4/Х да **Дунёнинг яратилиши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/Х да **Томоша давом этади**, 4/Х да **Ганг дарёсининг қизи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/Х да **Паранжи сирлари**, 4/Х да **Шаҳзода ва етим қиз**, 5/Х да **Тўйдан олдин томоша**.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 03171. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е.—2580.